

“ТАСДИҚЛАНДИ”



Касби тумани 2 сон касб хунар мактаби

Б.Фозилов Б.Фозилов

“22” сентябрь 2022 йил

Касби тумани 2 сон касб хунар мактабига Гул кучатлари сотиб олиш учун

(объект номи)

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

2022 йил

Касби тумани 2 сон касб хунар мактаби /

(Буюртмачи номи)

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи **Касби тумани 2-сон касб хунар мактабига Гул кучатлари сотиб олиш**
учун

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 20 000 000 сўм;
Ишларни тугаллаш муддати – 10 кун.


Буюртмачи: **Касби тумани 2 сон касб хунар мактаби**

Молиялаштириш манбаси: **Республика бюджетидан**

- ◆ Танлов иштирокчилари куйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ◆ Танлов иштирокчилари электрон рейтингга киритилган бўлиши, қурилиш-пудрат ташкилотларининг рўйхатини ва электрон рейтинг тоифаси ҳақидаги ахборотни тақдим этиши шарт.
- ◆ Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларга куйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:
- ◆ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
- ◆ Танлов иштирокчилари танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси
- ◆ Тасдиқланган танлов ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
- ◆ Таклифлар танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда танлов эълонида чоп этилган куни ва вақтига қадар қабул қилинади.

Эълон dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида берилган.

Буюртмачи ташкилот раҳбари:



[Handwritten signature]

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Касби тумани 2 сон касб хунар мактаби номидан танловда иштирок этишга танлов иштирокчиларини таклиф этамиз ва куйидаги объект бўйича танлов таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: *Объектнинг бошлангич нархи (ҚҚС билан) – 20 000 000 сум.*
Ишларни тугаллаш муддати – 60 кун.

Буюртмачи: **“Касби тумани 2 сон касб хунар мактаби**

Лойиҳани молиялаштириш манбаси: Республика бюджетидан.

Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан электрон рейтингга киритилган маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга куйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколоти;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

Агар танлов предмети бўлган иш (хизмат) ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлов иштирокчиларга рухсат этилади.

Куйидаги танлов иштирокчиларига танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Электрон рейтингга киритилмаган бўлса.

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлов иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлов иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш мақсадида танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари) ни тақдим этилиши ҳақида танлов ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки танлов ташкилотчиси объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты) ни танлов иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Таклифларни топшириш танлов иштирокчисининг танлов ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш танлов эълон қилинган санадан бошлаб 10 (ўн) кундан кейин бўлиб ўтади.

Буюртмачи ташкилот раҳбари



[Handwritten signature]